



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ВА ФУҚАРОЛАР ОЛДИДА МАСЪУЛЛИГИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Тиллабаева Муаззам Бахтияровна*

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат  
университети мустақил тадқиқотчиси*

**Annotation:** Мақолада Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларини масъуллигига оид умумназарий тушиунчалар, давлат органларининг жамият олдидағи масъуллигини оширишидаги жавобгарлигининг юридик, шу жумладан айрим конституциявий-ҳуқуқий жиҳатлари, жамият ва фуқаролар олдида давлат органлари ва мансабдор шахсларниң масъуллигини оширишида конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликни самарали қўллаш каби масалалар кўриб чиқилади.

**Key words:** давлат органлари, конститутсия, ҳуқуқий, сайлов, фуқаро, жавобгарлик, мансабдор шахслар, қонун, комиссия, давлат ва жамият, ҳуқуқий норма, юридик жавобгарлик, ҳуқуқбузарлик

**Annotation:** the article examines such issues as universal concepts regarding the responsibility of state bodies and their officials in the provision of human rights and freedoms in the Republic of Uzbekistan, legal, including certain constitutional and legal jixats of the responsibility of state bodies to increase the responsibility of society to society, the effective application of constitutional and legal responsibility to society and citizens in

**Keywords:** state bodies, constitution, legal, election, citizen, responsibility, officials, Law, Commission, state and society, the eurocess norm, yourdic responsibility, infraction

**Аннотация:** в статье рассматриваются такие вопросы, как универсальные концепции, касающиеся ответственности государственных органов и их должностных лиц за обеспечение прав и свобод человека в Республике Узбекистан, правовые, в том числе отдельные конституционно-правовые положения об ответственности государственных органов за повышение ответственности общества перед обществом, эффективное применение конституционная и правовая ответственность перед обществом и гражданами в

**Ключевые слова:** государственные органы, конституция, право, выборы, гражданин, ответственность, должностные лица, Закон, Комиссия, государство и общество, норма европейского процесса, ваша личная ответственность, правонарушение

Ўзбекистонда шиддат билан олиб борилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида давлат органлари ва мансабдор шахсларниң жамият ва фуқаролар олдида масъуллигига эришиш масаласи марказий ўринлардан бирини эгалламоқда. Бу борадаги устувор вазифалар Давлатимиз раҳбарининг “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоялари Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар



стратегияси<sup>1</sup>, сўнгра “Давлат – инсон учун” ғояси Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, кейин эса “Инсон-жамият-давлат” тамойили асосида амалга оширилган конституцион ислоҳотларда ўз аксини топган<sup>3</sup>.

Шу сабаб, қадриятлар устуворлиги қайта тақсимланди. Агар илгари аввал давлат, кейин жамият ва шундан кейингина шахс манфаатлари деб эълон килинган бўлса, энди эса аввал шахс, сўнгра жамият ва шундан кейингина давлат манфаатлари деган қадриятлар тизими белгиланди. Мазкур тамойиллар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг асосини ташкил этди.

Ушбу янги парадигма устувор ғояларни илгари сурган ҳолда, конституциявий тамойилларни қайта кўриб, шахс манфаатларига кўпроқ йўналтириб, шунга таянган ҳолда жамият ва давлат мақомини белгилашга олиб келди. Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг конституциявий кафолатларини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-маданий компетенцияларини шакллантириш масаласини долзарблаштиради. Бу масала конституциявий-хукукий муносабатлар субъектлари, яъни шахс, жамият ва давлат ўртасида асосий қадрият мотивациясини юзага келтирувчи жамиятда шахснинг хулқ маданиятини ривожлантириш вазифасини қўяди.

Шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий-маданий хулқ-атворнинг негизида ётган қадриятлар мезонлари, ижтимоий меъёрларни хисобга олган давлат нормалари томонидан белгиланиб, умумий ҳолатда жамиятда ривожланаётган барча муносабатларни тартибга солади. Мазкур ҳолатда, А.Ю.Климанова таъкидлаганидек, хукукий нормалар ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан бирга хукуқбузарликнинг олдини олади<sup>2</sup>. Хукукий норманинг кўрсатиб ўтилган хар бир функцияси мустақил характерга эга, аммо улар бир-бирини тўлдириб боради, агар улардан бири бўлмаган тақдирда уларнинг ижтимоий фойдали аҳамияти йўқолади.

Бундан ташқари, энг муҳим ижтимоий муносабатлар давлатнинг хукукий нормалари орқали тартибга солинишини хисобга олсак, хукукий муносабат субъектларида доимий ҳолда уларни бузиш истаги бўлиши табиийдир. Шунинг учун давлат, содир этилиши мумкин бўлган хукуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўриши зарур. Шу мақсадда давлат хукуқбузарларга нисбатан санкция чораларини ҳам қўллаб боради. Шундай қилиб, конституциявий-хукукий жавобгарлик икки тарафлама, яъни ижобий ва салбий кўринишга эга булиб, улар бир-биридан ажralган ҳолда ва шунингдек биргаликда ҳам намоён бўлади деган хulosага келиш мумкин.

Ўз навбатида, конституциявий-хукукий жавобгарлик хукукий жавобгарликнинг мустақил турларидан бири сифатида эътироф этилади.

Хукукий жавобгарликнинг умумий белгилари жиноий, фуқаролик, маъмурий ва конституциявий-хукукий жавобгарликка хосдир. Куйидаги хукукий жавобгарлик турлари, яъни конституциявий - хукукий жавобгарлик, ўз негизида бир хил структурага эга бўлиб, назарий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/acts/3107036>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони. // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

<sup>2</sup> Климанова А.Ю. Конституционно-правовое регулирование формирования экономической основы местного самоуправления: автореферат дис. .... кандидата юридических наук. - Москва, 2013. – Б.53.



жихатдан уларнинг мавжудлигини хуқуқий жавобгарлик турлари сифатида белгилашга имкон беради.

Бундай ҳолда конституциявий - хуқуқий жавобгарликнинг қўйидаги умумий белгиларини ажратиш мумкин: биринчидан, жавобгарлик факат қонун нормаларида назарда тутилган ҳолларда юзага келади; иккинчидан, хуқуқий нормаларни, шу жумладан конституциявий нормаларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш мумкин; учинчидан, конституциявий - хуқуқий жавобгарлик давлат органларининг актларида белгиланади; тўртинчидан, жавобгарлик давлатнинг мажбурлаш чоралари билан боғлиқ; бешинчидан, субъект томонидан айбli ҳаракатларини содир этганлиги учун конституциявий-хуқуқий жавобгарлик келиб чиқади; олтинчидан, конституциявий-хуқуқий жавобгарлик чораларини қўллашнинг қонунийлик ҳолатидир. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш лозимки, конституциявий-хуқуқий жавобгарлик, бошқа хуқуқий жавобгарлик турларидан фарқли ўлароқ, кўпроқ сиёсий жихатга эга. Сиёсий ва конституциявий-хуқуқий жавобгарлик субъектлари ва чоралари бирлаштирилиши мумкин. Бироқ, бу сиёсий ва конституциявий-хуқуқий жавобгарликнинг ўринни алмаштириш ёки мос келишини англатмайди, балки конституциявий-хуқуқий жавобгарликни сиёсий муносабатлар соҳасида амалга оширилишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юридик жавобгарликнинг барча турларининг пойдевори сифатида намоён бўлади, шу жумладан, унинг турларидан бири бўлмиш конституциявий хуқуқнинг соҳавий нормаларида ифодаланган жавобгарликнинг тури ҳам унинг сирасига киради. Конституциявий-хуқуқий жавобгарликнинг соҳавий хусусияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қонунчилик ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди актлари билан аниқлаштирилишида намоён бўлади.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги конституциявий-хуқуқий жавобгарлик асослари жавобгарлик назариясида марказий ўринни эгаллайди. Мазкур масала юзасидан П.И.Кучура тўғри таъкидлаганидек: "Айнан жавобгарликнинг юзага келиши асоси юридик жавобгарликнинг бир турини бошқасидан ажратиб турадиган белгилардан бири, шунингдек, муайян жавобгарлик турининг энг муҳим элементидир"<sup>3</sup>.

Бу дегани, юридик жавобгарликнинг бир турини бошқа туридан ажратиб турувчи жихати ва шунинг натижасида у ёки бу турдаги жавобгарликнинг муҳим элементи унинг юзага келиши учун асос бўла олади. Ўз навбатида, ҳар қандай жавобгарлик юзага келишининг асоси доимо қонун нормасида ифодаланиб келган мажбурий хулқ-атвор қоидаларнинг бузилиши - хуқуқбузарлиқdir.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида факат барча юридик жавобгарлик турларининг асосий принцип ва қоидалари мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жиноий, фуқаролик-хуқуқий, маъмурий, интизомий ва конституциявий-хуқуқий жавобгарликнинг ягона манбаи бўла олмайди. Бироқ Конституция жиноий жавобгарликка нисбатан, конституциявий - хуқуқий жавобгарликни тартибга солишга кўпроқ эътибор беради<sup>4</sup>. Конституциявий хуқуқ нормалари энг асосий, фундаментал ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, бошқа хуқуқ тармоқлари нормаларига мазмунан замин бўлиб хизмат қиласади.

<sup>3</sup> Кучура П.И. К вопросу об основаниях конституционно-правовой ответственности / Государство и право: теория и практика: материалы Междунар. науч. конф. (г. Чита, март 2013 г.). - Чита: Издательство Молодой ученый, 2013. — С. 20-23.

<sup>4</sup> Катигаров П. А. Необходимость выделения конституционно-правовой ответственности как самостоятельного вида юридической ответственности // Молодой ученый. - 2013. - № 6 (53). - С. 559.



Давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларининг конституциявий-хуқуқий мақомидан келиб чиқиб, устуворлик уларнинг расмий ҳаракатларига эмас, балки якуний натижаларига берилади ва натижаларга эришилганлик уларга нисбатан хуқуқий жавобгарлик чораларини кўллаш учун асос бўла олади. Давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг конституциявий-хуқуқий мажбурияти - бу субъектга ўз ваколатлари доирасида муайян ижобий натижага эришиш (олиш) учун хуқуқий хабарнома хисобланади.

Умуман олганда шуни айтиш мумкинки, конституциявий-хуқуқий жавобгарлик конституциявий-хуқуқий доирасининг ўзи билан чегараланмайди, у конституциявий-хуқуқий, яъни соҳавий хуқуқий муносабатларда юзага келади, ривожланади ва улар орқали жорий этилишига эришилади. Шунингдек, кўп сонли санкциялар (ижобий ёки салбий) олий, маҳаллий, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва конституциявий-хуқуқий санкцияларни энг аник ва ривожланган тизимиға эга бўлмоқда ва у ижобий юридик жавобгарликнинг назариясини ишлаб чиқишига асос бўлиб олиниши мумкин.уларнинг мансабдор шахсларининг ваколатларини ўзgartиришга қаратилган. Шу билан бирга, ижтимоий муносабатларга кўра, сайлов хуқуқий муносабатлари

## References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: «O‘zbekiston» нашриёти, 2023.-80 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни, 1991 йил 15 февраль // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 4-сон, 76-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 9-сон, 320-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон, 193-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги “Сиёсий партиялар тўғрисида”ти қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 36-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ти қонуни (янги таҳрири), 2001 йил 30 август // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 176-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ти қонуни (янги таҳрири), 2001 йил 29 август // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ти Конституциявий қонуни 2002 йил 12 декабрь // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 215-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ти Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 213-модда.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – 9-сон. – 137-модда.